



**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ
ВА ПСИХОТРОП МОДДАЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ
ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИГА
ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР**

М.Р. Саидов

ИИБ Академияси Ички ишлар органларининг
маъмурий-фаолияти кафедраси ўқитувчиси, юридик фанлар
бўйича фалсафа доктори (PhD), подполковник
<https://doi.org/10.5281/zenodo.20432085>



Аннотация: ички ишлар органларининг гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси фаолиятига таъсир этувчи омиллар, ҳуқуқий тизимнинг самарадорлиги, жамиятдаги мафкура ўзгаришлари ва гиёҳванд моддаларнинг тарқалиши каби турли хил факторлардир. Ушбу мақолада гиёҳвандликка қарши курашишнинг асосий механизмлари, профилактик таъсир етказиш усуллари янада самарали қилиш йўллари ўрганилади.

Калит сўзлар: ички ишлар органлари, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, профилактика, ҳуқуқбузарлик, хавфсизлик, профилактик тадбирлар, ижтимоий омиллар, ҳуқуқий маданият, психология, саломатлик, ижтимоий ёрдам.

*ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ОРГАНОВ
ВНУТРЕННИХ ДЕЛ ПО ПРОФИЛАКТИКЕ ПРАВОНАРУШЕНИЙ,
СВЯЗАННЫХ С НАРКОТИЧЕСКИМИ СРЕДСТВАМИ И
ПСИХОТРОПНЫМИ ВЕЩЕСТВАМИ*

Contact: 99 826 99 56





Аннотация: факторами, влияющими на деятельность органов внутренних дел по профилактике правонарушений, связанных с наркотическими средствами и психотропными веществами, являются различные аспекты, такие как эффективность правовой системы, изменения в общественной идеологии и распространение наркотических веществ. В данной статье рассматриваются основные механизмы борьбы с наркоманией, а также пути повышения эффективности методов профилактического воздействия.

Ключевые слова: органы внутренних дел, наркотические средства, психотропные вещества, профилактика, правонарушение, безопасность, профилактические меры, социальные факторы, правовая культура, психология, здоровье, социальная помощь.

FACTORS INFLUENCING THE ACTIVITIES OF INTERNAL AFFAIRS BODIES IN THE PREVENTION OF OFFENSES RELATED TO NARCOTIC DRUGS AND PSYCHOTROPIC SUBSTANCES

Abstract: The factors influencing the activities of internal affairs bodies in the prevention of offenses related to narcotic drugs and psychotropic substances include various aspects such as the effectiveness of the legal system, changes in societal ideology, and the spread of narcotic substances. This article examines the main mechanisms for combating drug abuse and explores ways to enhance the effectiveness of preventive measures.

Keywords: internal affairs bodies, narcotic drugs, psychotropic substances, prevention, offense, security, preventive measures, social factors, legal culture, psychology, health, social assistance.

Сўнгги йилларда гиёҳванд моддалар савдоси шаклларининг янгича усуллари пайдо бўляпти: анъанавий наркотиклар ўрнига улардан-да кучли,

Contact: 99 826 99 56





аммо тарқатиш қулай бўлган дорилар, психотроп моддалар муомалага кириб келди. Гиёҳвандликнинг хавфли томони шундаки, у инсонни ҳалол яшашдан маҳрум этади, унинг одамлар орасидаги обрўсини йўқотади, оиласини парокандалик ботқоғига отади, соғлиғига жиддий путур етказди, ўзини эса жиноят йўлига бошлайди.

Гиёҳванд, психотроп ва психофаол моддаларни истеъмол қилиш Ўзбекистонда сўнгги беш йилда кескин ошган. Хусусан, наркологик ҳисобга олинган 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган гиёҳвандлик воситалари истеъмолчилари 60 фоизга кўпайган. Маълумотларга кўра, сўнгги беш йилда республика ҳудудида гиёҳванд, психотроп ва кучли таъсир қилувчи воситалар ноқонуний муомаласи учун жавобгарликка тортилган шахслар орасида ёшлар 74 фоизга, шу жумладан, талабалар 21 фоизга, мактаб ўқувчилари 6 баробарга ошганлигини¹ кўрсатмоқда.

Бунинг асосий сабаби сўнгги йилларда жаҳонда гиёҳвандлик воситалари савдосининг деярли тўлиқ интернетга кўчиб ўтганлигидир. Бугунги кунда гиёҳвандлик ва психотроп воситалар қўлма-қўл савдо орқали етказилмаяпти, барча жараёнлар интернет орқали ҳал қилиняпти: буюртма онлайн келишув билан жўнатиляпти ва интернет орқали тўлов қилиняпти. Жараёнда “товар”ни бир шахс келишилган манзилга яшириб кетади, олувчига локация ҳақида хабар берилади ва харидор уни ўша жойдан олиб кетади. Бундай ҳолатда сотувчи ва олувчи ўзаро дуч келмаслиги сабабли “савдо” хавфсизлиги таъминланмоқда.

Табиийки, интернетдаги асосий контингент ёшлар ҳисобланади. Ҳатто ҳали мактабга бормайдиган болалар ҳам телефондан, интернетдан

¹ <https://kun.uz/kr/news/2024/03/06/zamonaviylashayotgan-narkotik-savdosi-va-istemoli-xavo-tirli-raqamlar>





фойдаланишни яхши билади. Гиёҳванд моддалар ва кучли таъсир этувчи воситалар ортидан мўмайгина даромад топаман, деб хомхаёлда юрганлар эса, ёшларнинг интернетни яхши билишидан фойдаланиб, уларни ўз тўрига илинтириши ҳолатлари кўп учрапти.

Умумий нуктаи назардан қаралганида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг тараққиёти, уларнинг истеъмоли ва тарқалиши жамиятнинг барқарорлигига катта хавф туғдиради. Бу моддаларнинг истеъмоли нафақат инсон саломатлигига ёки руҳий ҳолатига таъсир қилмай, балки жамиятнинг ҳуқуқий ва иқтисодий тартибини бузишига ҳам олиб келади.

Ҳуқуқшунос олим М.Каримовнинг фикрига кўра “Профилактика — бу наркотик моддалардан фойдаланиш ва улар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни олдини олиш учун қонун, тарбия ва жамоат таъсирининг тизимли қўлланилиши”² эканлиги ҳақида фикр билдириб ўтган.

Шунингдек ҳуқуқшунос рус олими С.В. Кравченконинг фикрига кўра, оиладаги муаммоли вазият, камбағаллик, ота-она назоратининг етишмаслиги ёки салбий ижтимоий муҳит гиёҳвандликка мойилликни оширади³ деб фикр билдириб ўтган.

Юқорида олимлар томонидан гиёҳвандликнинг профилактикаси ҳақида билдирилган фикр ва қарашлари турли хил бўлиб, бизнинг фикримизча,

² Каримов М. (2018). *Ҳуқуқшунослик соҳасида тадқиқотлар: назарий ва амалиёт жиҳатлари*. Тошкент: Ҳуқуқ ва фалсафа нашриёти.

³ 17 октября 2025 года в Санкт-Петербурге состоится Всероссийская научно-практическая конференция с международным участием «Психофармокология и экспериментальный генетические модели: возможности трансляции в клиническую практику». Портал con-med.ru: <https://con-med.ru/activity/133/3209190/>





гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси деганда гиёҳвандликнинг у ёки бу туридан қатъий назар олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи тушунилади.

Ички ишлар органлари гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун профилактик тадбирлар олиб боради. Бу фаолиятга таъсир этувчи омиллардан энг муҳими қонунчилик, жамиятдаги ижтимоий ва иқтисодий ҳолат, ахборот ва таълим, шунингдек, ички ишлар органларининг кадрлар малакаси ва ресурслари ҳисобланади.

Қонунлар ва ҳуқуқий муҳит гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга қарши курашиш⁴да ҳал қилувчи омилдир. Агар қонунчилик асосий принципларга зид бўлса, профилактика фаолияти самарасиз бўлиши мумкин. Қонунлар гиёҳвандликка қарши курашишнинг асосий воситаси бўлгани боис, уларнинг аниқлиги ва ижроси профилактик тадбирларнинг самарадорлигини⁵ таъминлайди.

Шунинг учун ҳам қонунларнинг аниқ ва амалга оширилаётгани профилактик тадбирларнинг самарадорлигини оширади. Қонунчилик асосий принципларга зид бўлмаслиги керак.

Жиноятни тартибга солишда гиёҳвандлик воситаларига қарши жиноят қонунларининг амалга оширилиши профилактика фаолиятини муваффақиятли олиб бориш учун зарур ҳисобланади.

Жамиятдаги ижтимоий ва иқтисодий ҳолат гиёҳвандлик воситалари ва

4. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 август кунидаги “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги ЎРҚ-813-И-сон Қонуни.

5. Хўжаев Ш.Х. (2021). Наркотиклар ва психотроп моддаларга қарши курашишдаги қонунчилик / Қонунчилик ва ҳуқуқий тадқиқотлар журнали.

6. Каримова З. (2020). Ижтимоий фаолият ва наркозависимлик: ижтимоий таҳлил / Жамият ва ҳуқуқ журнали.





психотроп моддаларнинг тарқалишига таъсир қилади. Агар жамиятда имкониятлар ёки ижтимоий ёрдамлар мавжуд бўлмаса, ёшлар ва аёллар орасидаги ишсизлик, кам ишланиш ва ижтимоий манфаатларнинг йўқлиги “наркозависимлик” (бу шахснинг маънавий ва жисмоний жиҳатдан наркотик моддаларга мойиллик ҳолати. Бошқача қилиб айтганда, бу — наркотикларсиз ҳаётни тўлиқ олиб бора олмаслик, уларга қўшилиб туриш керак бўлган одат)га олиб келиши мумкин. Ижтимоий номаълумлик ва ташвишлар, шунингдек, хўжалик фаолиятининг паст даражаси ҳам бу ҳолатга⁶ таъсир кўрсатади.

Ушбу таъсир этувчи омиллар қуйидагилардан иборат:

1. Ижтимоий муҳофаза, одамлар учун янги имкониятлар яратиш, уларни жамиятга интеграция қилиш – наркозависимликни камайтиришга ёрдам беради.
2. Қашшоқлик, ишсизлик ва ижтимоий баҳслар наркотикларнинг тарқалишига сабаб бўлади.

Шунингдек, ахборот тарқатиш ва таълимни тақдим этиш ҳам профилактика фаолиятининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Жамиятга гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг зарари ҳақида тўғри ва аниқ маълумотлар бериш наркозависимликнинг олдини олишга ёрдам беради. Бунинг учун мактабларда, коллежларда, университетларда профилактик тадбирлар ўтказиш, ёшларнинг ҳуқуқий онгини ошириш муҳимдир. Ахборотни тарқатиш ва таълимнинг самарали бўлиши учун кўплаб омиллар, жумладан, тўғри стратегик ёндашув ва жамоатчилик билан ҳамкорлик талаб қилинади.

Шу билан бир қаторда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятига асосий таъсир





этувчи омилларга қуйидагилардан иборат:

- ахборот компаниялари ва жамоатчилик ташаббуслари орқали гиёҳвандлик воситаларига қарши курашишга йўналтирилган профилактик⁷ тадбирлар;

- мактабларда, ёшларга соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни наркотикларнинг зарарли эканлигига оид билимларни ўргатиш ва бошқалар.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ички ишлар органларининг мутахассислари ва профилактик ишларни олиб бориш учун тайёрланган кадрларнинг малакаси профилактика фаолиятининг самарадорлигига таъсир этади⁸. Тренингларнинг сифатли амалга оширилиши профилактикаларнинг самарадорлигини оширади.

Шу билан бир қаторда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини амалга оширувчи ички ишлар органларининг малакали кадрларини тайёрлашга салбий таъсир этувчи омиллар ҳам мавжуд бўлиб, булар қуйидагилардан иборат:

- ички ишлар органлари ходимлари учун гиёҳвандликка қарши курашиш бўйича давомли таълим ва тренинглар;

- ҳукуматнинг ички ишлар органларига ресурсларни тақдим этиш ва уларни тартибга солиш ва бошқалар.

Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, жамоатчилик ва жамоат ташкилотларининг профилактик тадбирлардаги иштироки ички ишлар органларининг ишидаги муҳим омилдир. Жамоатчиликни тарғиб қилиш,

⁷ Исламова Р. (2021). Профилактика фаолияти ва ахборот компаниялари / Олий таълим ва жамият

⁸ Қодиров Х. (2020). Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда кадрлар малакасини ошириш / Давлат ва жамият.





уларни профилактик тадбирларга жалб этиш, мажбурий реабилитация ва психологик ёрдамлар бериш бунинг барчаси гиёҳвандликка қарши курашишда муҳимдир.

Жамоатчилик билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, уларга ҳуқуқий масалаларда билимларини ошириш профилактика фаолиятининг самарадорлигини оширади.

Юқорида келтириб ўтилган тушунча ва фикрларга асосланиб, ички ишлар органларининг гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш чораларини кўришда қуйидаги таклифларни инобатга олиш зарур:

биринчидан, рақамли технологиялардан фойдаланиш — ахборот тизимлари, мониторинг платформаларини жорий этиш;

иккинчидан, қонунчиликни такомиллаштириш — гиёҳвандликка қарши курашишдаги қонунларнинг самарадорлигини ошириш ва уларни жорий этиш;

учинчидан, жамоатчилик билан ҳамкорликни кучайтириш — профилактика тадбирларини жамоатчилик билан ҳамкорликда олиб бориш;

тўртинчидан, психологик ёрдам ва реабилитация — гиёҳванд моддаларга қарши реабилитация ва психологик хизматларни такомиллаштириш ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтганда, ички ишлар органларининг гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти самарадорлиги жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, ҳуқуқий ва ташкилий омиллар билан узвий боғлиқ ҳисобланади. Айниқса, аҳоли ўртасида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг етарли даражада шаклланмаганлиги, ишсизлик, ёшлар бўш вақтини мазмунли





ташқил этмаслик, интернет тармоқлари орқали гиёҳванд моддалар тарқалишининг кучайиши ҳамда айрим ҳолларда профилактик чоратadbирларнинг тизимли эмаслиги мазкур турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига замин яратмоқда.

Шу билан бирга, ички ишлар органлари томонидан профилактика инспекторлари, таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш тизими ва жамоатчилик билан ҳамкорликни кучайтириш, замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш, аҳоли айниқса ёшлар ўртасида тарғибот ишларини мунтазам олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Профилактика фаолиятини илмий ёндашув асосида ташқил этиш, таҳлилий маълумотлардан кенг фойдаланиш ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш орқали гиёҳвандлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш самарадорлигини ошириш мумкин.

Демак, мазкур соҳада профилактика фаолиятини такомиллаштириш нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, балки бутун жамиятнинг ўзаро ҳамкорлиги ва масъулиятини талаб этади. Бу эса жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёшларни турли салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. <https://lex.uz/docs/>
2. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 август кундаги “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги ЎРҚ-813-I-сон Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 май куни қабул қилинган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни <https://www.lex.uz/acts/2387357>





4. Каримов М. (2018). *Ҳуқуқшунослик соҳасида тадқиқотлар: назарий ва амалиёт жиҳатлари*. Тошкент: Ҳуқуқ ва фалсафа нашриёти.

5. 17 октября 2025 года в Санкт-Петербурге состоится Всероссийская научно-практическая конференция с международным участием «Психофармокология и экспериментальные генетические модели: возможности трансляции в клиническую практику». Портал con-med.ru: <https://con-med.ru/activity/133/3209190/>

6. Хўжаев Ш.Х. (2021). Наркотиклар ва психотроп моддаларга қарши курашишдаги қонунчилик / Қонунчилик ва ҳуқуқий тадқиқотлар журнали.

7. Каримова З. (2020). Ижтимоий фаолият ва наркозависимлик: ижтимоий таҳлил / Жамият ва ҳуқуқ журнали.

8. Исламова Р. (2021). Профилактика фаолияти ва ахборот компаниялари / Олий таълим ва жамият

9. Қодиров Х. (2020). Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда кадрлар малакасини ошириш / Давлат ва жамият.

